# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 20 июнь. ЖУМА № 49 (5.820). Сотувда эркин нархда


## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

19 июнь куни Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетига ташриф буюрди.

Университет ректори вазифасини бажарувчи, академик Т. Долимов олий мартабали меҳмонларнинг ушбу даргоҳга ташрифи ва мазкур учрашув университет аҳли — ўқитувчи ва талабалар учун унутилмас воқеа бўлиб қолажагини таъкидлади.

Университет илмий кенгаши Ўзбекистон ва Озарбойжон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, фан ва маданиятни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевга Тошкент Давлат университети фахрий доктори унвонини берди. Йиғилишда олий мартабали меҳмонга ана шу диплом тантанали равишда топширилди.

Озарбойжон раҳбари Ҳ. Алиев ўзига кўрсатилган бундай эъзоз учун миннатдорчилик билдирар экан, бундай деди:

— Аввало, университет аҳлига, қолаверса, бутун Ўзбекистон халқига ўзим ҳамда Озарбойжон халқи номидан самимий эҳтиромни изҳор этаман. Ўзбекистон халқи ҳам, Озарбойжон халқи ҳам башарият тараққиёти, илм-фан равнақи учун улкан хизмат қилгани оламга маълум. Биз буюк мутафаккирлар — Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Фузулий, Бобурни ва бошқа кўплаб таниқли зотларни ҳеч қачон унутмаймиз. Шундай буюк алломаларнинг фарзандлари эканимиздан ҳаққли равишда фахрланамиз.

Тошкент Давлат университети Марказий Осиёдаги нуфузли билим даргоҳларидан бири сифатида машҳурдир. Марказий Осиё халқининг маънавий-маданий ҳаётида ушбу университет катта аҳамият касб этиб келган. Унинг ўрни ҳозир ҳам ҳар қадамда сезилиб туради. Ана шундай обрўли илм даргоҳининг фахрли доктори шарафига муяссар бўлганимдан фахрланаман.

Президент Ҳайдар Алиев Тошкент Давлат университетига эсдалик совғаси — машҳур озар шоири Фузулий портретини ҳадя қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевни фахрий унвон билан самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Озарбойжонни бир-бирига яқинлаштириб турадиган тарихий-маданий, иқтисодий ҳамда сиёсий омиллар ҳақида қисқача тўхталиб ўтди:

— Мен, бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда тарихий-маданий омилларнинг эътиборга олиниши диққатга моликдир. Лекин, шундай жиҳатлар борки, улар бугунги ўтиш даврининг ўзига хослиги билан изоҳланади. Бундай мураккаб дамларда ҳар бир давлат ўзига ишончли ҳамкор бўла оладиган мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Шу маънода Озарбойжон ҳукумати юритаётган ташқи ва ички сиёсат бизга мақбул. Қолаверса, Озарбойжон бугунги кунда ўз мустақил йўлидан дадил бораётган ёш, мустақил давлатлардан биридир. Бу хусусият ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш ғояси билан илгари бораётган ва иқтисодий-сиёсий ислоҳотларни муваффақият билан амалга ошираётган Ўзбекистон халқи учун ҳам яқиндир.

Айни пайтда кишиларимизнинг онги, фикрлаш даражаси ўзгариб бораётгани кўнгилга қувонч бағишлайди. Бу борадаги ишларга бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим тизимини ислоҳ қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш давлат сиёсати даражасидаги вазифалардандир. Янгича, яъни ҳақиқий маънодаги мустақил ҳаёт кечириш учун, аввало тафаккуримизни бутунлай янгиламоғимиз зарур. Бу жараёнда ёш авлод тарбияси — энг асосий масала.

Президентлар Ислом Каримов ва Ҳайдар Алиев Озарбойжоннинг Тошкентдаги элчихонаси очилиш маросимида ҳам иштирок этдилар.

— Ўзбекистон халқи Озарбойжон халқини доимо ўзига дўст ҳисоблаб келган, — деди Президент Ислом Каримов. — Бугунги кунга келиб мана шу азалий дўстлигимизнинг янада равнақ топиши ва мутсаҳкамланиши учун ҳуқуқий замин яратдик. Ишончим комилки, иш бошлаган ушбу элчихона дўстона муносабатларимизни янада яхшилашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

— Озарбойжон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқалари бугун янгича тамойиллар асосида тобора мустаҳкамланиб бораётир, — деди Ҳ.Алиев. — Озарбойжон элчихонасининг Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда очилаётгани ҳам бу борадаги яна бир қадамдир.

Президентларнинг қисқача табрик сўзларидан сўнг, Озарбойжон Республикаси элчихонаси биноси узра мазкур давлат байроғи кўтарилди. Ҳар икки мамлақат давлат мадҳиялари янгради. Тантана ўзбек ва озар халқлари миллий куй ва қўшиқларидан тузилган концертга уланиб кетди.

Шу куни Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Ўзбекистон миллий боғига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон ғазал мулкининг султони — ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Сўнгра Ҳайдар Алиев республика Товар-хомашё биржасини ҳам бориб кўрди. Бош вазир ўринбосари, республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В.Чжен мазкур биржа фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Шу куни «Дўрмон» қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## АЛКОГОЛЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тасдиқланган стандартларга мувофиқ алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришни тартибга солиш, унинг тегишли технологияси ва сифатини таъминлаш, шунингдек уни сотиш устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Озиқабоп спирт, ароқ ҳамда бошқа алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга давлат монополияси ўрнатилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, озиқабоп спирт, ароқ ҳамда бошқа алкоголли махсулотлар ишлаб чиқариш мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар томонидан, шу жумладан хорижий сармояни жалб этган корхоналар томонидан, Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган руҳсатномалар асосида амалга оширилади.

3. «Узмевасабзавотузумсаноат» ва «Узкимёсаноат» уюшмалари «Уздавстандарт» ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда озиқабоп спирт, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини олиш учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шу жумладан корхоналар амалдаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг технологияси ва сифатини, шунингдек уларни сотиш юзасидан белгиланган тартибни таъминлашларига нисбатан қўйиладиган талаблар рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамаси:

Корхоналар, шу жумладан хорижий сармояни жалб этган корхоналар алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳуқуқини олишлари учун уларга руҳсатномалар бериш тартибни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектларни 1997 йилнинг 1 сентябрига қадар синчиклаб ҳисобга олсин ҳамда корхоналарга алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини олишга руҳсатномалар бериш учун ушбу фармон талабларига мувофиқ уларнинг рўйхатини белгиласин;

Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига мувофиқ, 1998 йил 1 январдан бошлаб амалга киритиладиган вино-арақ маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимнинг, шу жумладан бундай маҳсулотлар савдосотиғи ҳуқуқи учун лицензия йиғимининг қатъий белгилаб қўйилган ставкаларини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 июнь

## ГЎЗА ПАРВАРИШНИ ХУШЛАЙДИ

Бу йилги баҳор об—ҳавоси ўзига хос серташвиш келиб, айрим майдонларда қайта чигит экилди. Ҳукуматимизнинг ўз вақтида кўрсатган амалий ёрдами билан деҳқонларимиз бўлиб ўтган табиат инжиқликларини мардонавор енгиб, барча майдонларда чигитдан тўлиқ кўчат ундириб олишди ва жойларда ғўзанинг баравж ривожланишига эришмоқдалар. Ҳозир жойларда культивацияга катта эътибор берилмоқда. Бу юмушни оби—тобида бажараётган Андижон, Бухоро, Наманган вилояти деҳқонлари шу йил 17 июнгача ғўзани 3,5-3,8 марта культивация қилишга эришилди.

Лекин мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, бир қатор вилоят ва туманларда агротехника қоидаларига тўла амал қилинмаётир. Масалан, Қорақалпоғистон республикаси ва Сирдарё вилоятида яганалаш яқиндагина тугатилди. Мирзаобод, Ш.Рашидов, Арнасой, Зомин, Зарбдор, Қуйи Чирчиқ, Кегайли, Чимбой, Шуманай туманларида бу юмуш сифатсиз ўтказилган. Бундай камчилик бошқа туманларда ҳам бор.

Бегона ўт ҳосилнинг хатарли душмани. Шунга қарамасдан культивация, чопиқ ва ўтоқ ишлари ўз вақтида ўтказилмаганлиги сабабли бир қатор ғўза майдонларини бегона ўт босишига йўл қўйилди. Бу ҳолат Гўзалкент, Нарпай, Косон, Баҳористон, Ш.Рашидов, Меҳнатобод, Мирзаобод, Оқолтин, Зомин, Пешку, Когон, Пскент, Янгийўл ва Чиноз туманларида кузатилмоқда.

Пахтакор туманидаги А.Икромов, Мирзачўл туманидаги Абай номли, Дўстлик туманидаги Манас номли, Шуманай туманидаги «Шуманай», Мусаев номли ширкат хўжаликларида культивация ишлари сифатсиз ўтказилишига йўл қўйиляпти. Ишчи органлари тўғри ўрнатилмаганлиги натижасида ҳимоя зонаси 20-25 сантиметр бўлиб, чуқурлиги 8-10 сантиметрни ташкил этмоқда, холос. Ишчи органлари етарли бўлмаганлиги боис, баъзи майдонларда культивациядан кейин катта—катта кесаклар кўчиб, ғўза томирларини узилишига сабаб бўлмоқда.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йили культивация ишларини ўз вақтида сифатли ўтказмаганлиги оқибатида Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларининг айрим хўжаликларда атиги 8-15 центнер ҳосил олинган эди. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, айрим раҳбарлар ўтган йилги хатолардан тегишли хулоса чиқармаётирлар.

Озиқлантириш муҳим тадбир. Навоий ва Сирдарё вилоятларида ғўзалар ҳозиргача 2,3-2,8 марта озиқлантирилди. Лекин Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси далаларида озиқлантиришни атиги 0,8—1,3 марта ўтказилган, холос. Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар етарли миқдорда ажратилган бўлишига қарамасдан Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларининг бир қатор туманлари ажратилган ўғитни олишга ҳам етарли эътибор бермаяпти.

*Тармоқ таҳлили*

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўп жойларда сувга бўлган муносабат яхши эмас. Республика бўйича 1м3 сув билан 50-55 гектар экин майдони суғорилгани ҳолда бу Сурхондарёда 29, Сирдарёда 30, Жиззахда эса 35 гектарни ташкил этмоқда. Экинларни суғоришдек муҳим тадбир турли баҳоналар билан пайсалга солинмоқда. Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятлари пахтакорлари 85-101 фоиз майдонни суғориб улгурган бир вақтда, Қорақалпоғистон республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах, Сирдарё вилоятларида атиги 1,1-20,9 фоиз майдон суғорилган холос. Ваҳолонки, берилган ўғитларни ғўза тўлиқ ўзлаштириши ва унинг ривожини тезлаштириш учун суғоришни ўз вақтида ўтказиш муҳимдир.

Бу йилги баҳорнинг илиқ ва сернам келиши зараркунандаларнинг кўпайиши учун қулай шароит яратди. Айниқса, бу йил трипс, шира, кусак қурти ва ўргимчаккана каби зараркунанда ҳашаротларни кўп бўлиши кутилмоқда. Бугунги кунда Наманган, Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларида зарурий тадбирлар ўтказилмаганлиги сабабли айрим майдонлар трипс ва шира билан зарарланган. Бундан ташқари, айрим дала четларидаги бегона ўтларда ўргимчаккана ривожланган. У Наманган, Андижон, Жиззах, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг бир қатор хўжаликларида тарқалиб, ғўзага зарар етказмоқда. Июнь ойида улар ҳар 8-10 кунда бир авлод беради. Шу боис уларга кураш чоралари кўрилмаса, ҳосилдорликни камайишига олиб келиши мумкин.

Ҳосил баракаси бугунги кунда ғўзага соз ишлов бериш, экин парваришини кучайтиришга боғлиқ. Айниқса, кеч ёки қайта экилган майдонларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда майдонларни ёввойи ўтлардан бутунлай тозалаш, суғориш ва бошқа агротехник ишларини сифатли ўтказиш муҳимдир. Шунинг учун ғўза вегетацияси даврида доимий кузатув ташкил этилиши, қишлоқ хўжалиги зараркундаларини уяси билан йўқотиш учун барча чоралар кўрилиши лозим. Биоматериалларни тайёрлаш учун биолабораториялар ва ҳамма жойда миришкор пахтакорлар тажрибаларидан кенг фойдаланилса, айни муддао бўлур эди.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**





**Пахтакор туманидаги «Навбаҳор» ширкатлар уюшмасининг Т. Жўраев етакчилигидаги бригадаси заршунослари ҳам ғўзага ишлов беришда жонбозлик кўрсатишмоқда.**

**Суратларда: 1. Ўн етти йилдан бери механизаторлик касбини улуғлаб келаётган Каримбой Холиқов. 2. Ғўза қатор ораларига ишов берилаётган пайт.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## РИВОЖИ БАРАВЖ

Сирдарё туманидаги «Ҳақиқат» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг пахтакорлари бу йил 845 гектар ерда деҳқончилик қилишаяпти. Миришкорларнинг қалб кўри, меҳр зиёсидан баҳраманд бўлаётган ғўза ниҳоллари кун сайин яшнаб, ялпи шоналай бошлаган.

Мавжуд бригадалар ҳамда 23 та деҳқон-фермер хўжаликларининг пахтакорлари ҳозирга қадар ғўзани икки марта культивациядан чиқариб, меъёрида озиқлантирилган пайкалларга дастлабки оби-ҳаёт таращни бошлаб юборишган.

Хўжаликнинг Ҳасан Қўшназаров, Маъруф Аҳмедов, Баҳодир Қурбонов, Урозали Ҳайитқуловлар етакчилигидаги бригада аъзолари барча дала юмушларини агротехника қоидалари асосида амалга оширишда ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар. Ғўза қатор ораларига ишлов бериш ҳамда озиқлантиришни сифатли адо этишда Эркин Эгамов, Набижон Маҳкамов, Абдулҳамид Эшонқулов, Эркин Абдукаримов сингари 13 нафар механизаторнинг муносиб хизматлари бор. Улар чигит қадашдан бошлаб, то ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар тиним нималигини билишмайди.

—Деҳқонларимизнинг тадбиркорлик ва фидойилик кўрсатиб ишлашлари натижасида ғўза ниҳоллари кун сайин авж олиб, мўл ҳосилга пухта замин яратилаяпти, — дейди хўжалик бош ҳосилоти Абдулла Турдибеков. — Ҳозирги асосий вазифамиз —ниҳоллар тагини юмшатиш, ўғит солиш, ҳар бир пайкални оби-тобида суғоришдир. Бунга барча ишчи кучи ва техника воситалари сафарбар этилган.

**Э. ҲАСАНОВ.**

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЯНГИ КИТОБИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Наманган вилоят ҳокимлигида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, ўқув муассасалари, жамоат ташкилотлари, зиёлилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Респубилка Олий Мажлисининг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов, Тошкент юридик институти ректори Ҳ. Бобоев, Олий Мажлис депутати Э. Аъзамов ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, юртбошимизнинг янги асарида мамлакатимизда истиқлол йиллари мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари теран таҳлил этилганлиги, келажагимиз уфқлари аниқ белгилаб берилганлигини таъкидладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Т. Жабборов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

*Мамлакатимиз жўшқин ҳаёти*

## МАРРА САРИ

**Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги 165 гектар ердаги ғаллани йиғиштириб олиб, Фарғона вилоятида биринчи бўлиб режани бажарди. Ҳосилдорлик гектарига 50,1 центнерни ташкил этиб, давлатга 790 тонна сара дон топширилди.**

**Хўжаликда ҳали ўрим йиғим давом этмоқда, ғаллакорлар қолган 220 гектар майдондаги донни йиғиштириб олмоқдалар. Бунда А.Эргашев, З.Хўжаназаровларнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Улар ўзларига бириктирилган «Кейс» комбайнлари билан кунига 15-20 гектар ердаги донни йиғиштириб олиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.**

**Хўжаликда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинни жойлаштириш ҳам пешма-пеш олиб борилмоқда.**

## БИРИНЧИЛАР САФИДА

Мамлакатимизнинг шимолий вилоятларидан бири — Хоразм воҳасида бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

Оҳунбобоев номидаги жамоа хўжалик деҳқонлари Қўшкўпир туманида биринчи бўлиб давлатга дон топшириш режасини уддалади. Ҳосилдорлик 43 центнерни ташкил этди.

## АВТОТРАНСПОРТЧИЛАР КЎМАГИ

**Яқинда «Тошшаҳарюктранс» концернига қарашли автокорхоналардан 40 та юк машинаси Қашқадарё вилоятига йўл олди. Жанубий вилоятга жўнатилган автомобилларни пойтахтнинг энг тажрибали ва юқори малакали ҳайдовчилари бошқаришмоқда. Улар деҳқонларнинг ғалласини даладан омборгача олиб боришда яқиндан ёрдам кўрсатадилар.**

**Бу йил концерннинг автохўжаликларида ғалла ўрим—йиғими мавсумига катта тайёргарлик кўрилди. Ишлаб чиқариш бўйича ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхоналари билан шартнома тузилди. Иккинчидан, машиналар эҳтиёт қисмлар билан таъминланаяпти. Ғалла ўримида қатнашадиган автомобилларга навбатдан олдин техник хизмат кўрсатилаяпти.**

**Жойларда таъмирлаш бригадалари ишлаяпти. Ҳар бир отрядда кўчма устахоналар ташкил қилинган, улар керакли бўлган эҳтиёт қисмлар билан таъминланган. Хўжаликларга таъмирлаш чилангарлари, мухандислар, механиклар бириктирилган.**

**Шу ой охирида концерндан яна 121 машина Жиззах вилоятига жўнатиш учун тайёрланмоқда. Ҳайдовчилар вилоятдаги Ғаллаорол ва бошқа туманлардаги донни йиғиштириб олишда кўмаклашадилар.**

## ҚИРҒИЗИСТОН КОМБАЙНЧИЛАРИ ФАРҒОНАДА

Ҳар йилги анъанага содиқ қолган Қирғизистон Республикаси комбайнчилари яқинда Фарғона туманига ёрдамга келишди.

Айни кунларда улар Туйчи Назаров номидаги жамоа хўжалигидаги ғаллани йиғиштириб олишда фаол қатнашмоқда.

## ҒАЛЛАДАН КЕЙИН МАККАЖЎХОРИ

**Кейинги йилларда Молдова билан Бухоро вилояти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Молдоваликлар фақат шу йилнинг ўзида вилоятнинг «Биосервис» ҳиссадорлик жамияти билан 1 миллион 252 минг АҚШ доллари қийматида шартнома тузишди. Унга асосан «Вавели» ва «Руким» фирмалари вилоятга 325 тонна юқори ҳосил берадиган макка уруғини етказиб берди. Шуниси эътиборга лойиқки, молдоваликларнинг уруғлик дони жаҳон нархларида икки баравар арзондир. Молдовадан олиб келинган уруғлик жўхори вилоятдаги ғалладан бўшаган 25 минг гектар ерга такрорий экин экиш имконини яратди.**

**М. ШОЮСУПОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг олти йиллиги шарафига

# ҒАЛЛАКОРЛАР ТУҲФАСИ

*Хоразм вилоятининг Шовот тумани деҳқонлари ғалла топшириш давлат буюртмасини бажарди. Қабул пунктларига 3 минг 350 тоннадан зиёд буғдой етказиб берилди. «Соҳибкор», «Гулистон», «Меҳнатобод» жамоа хўжаликлари кўтарган хирмон айниқса баракали бўлди. Ғалла топшириш давом этмоқда.*

* * *

*Самарқанд вилояти Пахтачи тумани ғаллакорлари зафар қучди. Ғалла топшириш давлат буюртмаси бажарилди. Қабул пунктларига 5 минг 120 тонна дон топширилди. Ўртача ҳосилдорлик 50 центнерни ташкил этди. Ғалла топшириш давом этмоқда.*

## ТОШЛОҚДА ИП ЙИГИРИЛАДИ

**Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, иқтисодиётимизда туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Хорижий шериклар билан ҳамкорликда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш имконига эга бўлган кўплаб қўшма корхоналар барпо этилмоқда.**

**18 июнь куни ана шундай корхоналардан бири — Тошлоқ туманидаги «ДЭУ текистайл компани» ип ишлаб чиқариш мажмуининг тақдимот маросими бўлди.**

**Жанубий кореялик шериклар билан ҳамкорликда бунёд этилган мазкур корхона Япония ва Англия каби тўқимачилик саноати юксак ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган энг янги йигирув дастгоҳлари билан жиҳозланди. Бу ерда Ўзбекистон пахтасидан ҳар йили жаҳон андозасига тўла мос келадиган 13 минг тонна ип ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 80 фоизи Америка, Европа ва Россия бозорларида сотилади. Янги корхонанинг ишга тушиши натижасида 800 дан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Уларнинг кўпи Жанубий Корея тўқимачилик корхоналарида тажриба ўрганиб қайтди.**

**Тақдимот маросимида сўзга чиққан Фарғона вилояти ҳокими Н. Мўминов, «ДЭУ корпорейшн» раиси Со. Хен Сук ва бошқалар келгусида корхона янада кенгайиши, йирик тўқувчилик ва тикувчилик тармоғи барпо этилиши ҳақида гапирдилар. Натижада Тошлоқ ва қўшни туман хўжаликларида етиштирилган пахтани тўла қайта ишлаш, ундан тайёрланган маҳсулотни жаҳон бозорига чиқариш имконияти яратилади.**

**Тақдимот маросимида республика бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов, Жанубий Корея республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ч. Ёнг Ха сўзга чиқди.**

## ЭКСПОРТ КЎПАЙМОҚДА

**«Ўздавстандарт» маълумотларига қараганда, ўз маҳсулотларини экспортга жўнатаётган корхоналар сони тобора ортиб, хорижий тижоратчилар Ўзбекистонда харид қилишни афзал кўраётган маҳсулот турлари ҳам кўпайиб бормоқда.**

**Республикмиздаги бир юз элликдан ортиқ корхона жаҳон бозоридаги рақобат курашида муваффақиятли иштирок этмоқда.**

**Ўзбекистон корхоналари стандартчиларнинг тегишли имтиҳонидан ўтиб, халқаро сертификат олгач, пахта, пилла, ноёб ва рангли металлар сингари кўпгина анъанавий маҳсулот турларидан ташқари, аммиак селитраси ва уксус кислотаси, портланд цементи, ацетат ип, фурил спирти, ксилит, эмал ҳамда яқин вақтгача Ўзбекистон экспорт қиладиган маҳсулотлар рўйхатида бўлмаган бошқа товарларни хорижга жўнаишни ҳам йўлга қўйди.**

**(ЎзА мухбири).**

# ПАЙЧИ КАТТА ДАРОМАД СОҲИБИ

**Шеробод туманидаги Н. Муродов номли ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тажрибасидан**

Бир вақтлар шерободлик пахтакорлар, механизаторлар довруғ таратишган. Бироқ кўп ўтмай туманда иш тамоман орқага кетди. Шунда чўлқуварлар сохта ташаббуслар, маъмурий буйруқбозлик услубининг келажаги йўқлигини аниқ ҳис этдилар. Муаммолар болалаб кетганди. Салоҳияти кучли, билимдон, ташкилотчи раҳбарлар энди мутлақо эскича яшаб бўлмаслигини вақтида тушуниб етдилар. Шулардан бири Нуриддин Муродов номли хўжалик раҳбари, пахта илмининг билимдони Шоди Беккелдиев эди. У бозор шароитида муваффақиятли иш олиб бораётган жамоалар тажрибасини чуқур ўрганди. Олимлар, мутахассислар билан маслаҳатлашди. Шунда хўжаликни ёпиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантириш керак, деган қатъий фикрга келди. Одамлар ўртасида пайчиликнинг афзалликлари, моддий манфаатдорликни таъминлашдаги аҳамиятини қунт билан тушунтирди. Ният амалга ошди. Акционерлик жамияти аъзолари 2145 ишчидан таркиб топди. Бир кишининг пай улуши 23.700 сўм қилиб белгиланди. Меҳнатчи дастлаб шу маблағнинг 20 фоизини тўлайди. Қолганини кейин ҳисоб-китоб қилиб боради. Янгилик шарофати билан ишлаб чиқариш воситалари, маъмурий бинолар, кўприклар мулкка айланди. Хўжаликда мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари вужудга келди.

Пайчиликнинг тарбиявий аҳамияти биринчи йилиёқ сезилди. Авваллари ўғитдан, техникадан, ердан, сувдан ким қандай фойдаланаётганлиги билан бировнинг иши йўқ эди. Бойлик исроф бўлаётганлигини кўриб, узларини кўрмаганга олишарди. Ана энди одамлар ўз мулкларини қадрлайдиган, сўмнисўмга уриштирадиган бўлиб қолишди. Тракторчи ўғит ташишда лоқайдлик қилиб кўрсинчи, ўша куниёқ ўртага олишади. Пировард натижа учун барча масъул!

Акционерлик жамиятининг 3800 гектар пахта майдони бор. Ўтган йили чигит экиш олдидан Шоди ака 30 нафар нуронийни шийпонга таклиф этди. Тармоқни ривожлантириш, муҳим агротехник тадбирни вақтида ўтказиш юзасидан отахонларнинг маслаҳатлари олинди. Уч кун мобайнида катта ҳашар уюштирилиб хонадонлардан, боғлардан маҳаллий ўғит, нури ташиб келтирилди. Сувчи ва механизаторларнинг ҳурмати жойига қўйилди. Кўпнинг бахтига бир текис униб чиққан ғўзалар асосан тунда шарбат усулида оби ҳаётга қондирилди. Райим Бобоқулов, Урол Эшонкулов, Яраш Шарипов, Урмон Чориев каби дала дарғалари билим ва тажрибаларини ишга солдилар. Хўжалик рационализаторлари маҳаллий шароитни ҳисобга олиб тракторнинг ишчи қисмларига қўшимчалар ўрнатдилар. Қатор ораларига ишлов бериш юқори сифатда амалга оширилди. Ҳар бир ниҳол қалб кўри, меҳр зиёси билан ардоқланди. Натижада кутилганидан ҳам зиёда ҳосил етиштирилди.

Йиғим-теримда уюшқоқлик, ялпи сафарбарлик таъминланди. Чўлқуварлар ҳосил сифатига алоҳида эътибор беришди. Энди олий нав пахта даромад манбаи эканлигини барча тушуниб етганди. Мулк ўз эгасини топганлиги, моддий манфаатдорлик таъминланганлиги омма ғайрат-шижоати жўш урганлигида, ташаббуслар қанот ёзганлигида ўз ифодасини топди. Юқорида қайд этилган бригада бошлиқлари ҳосилдорликни бир йилда гектарига 8—10 центнерга оширишга эришдилар. Асл чўлқуварлар туманда биринчи бўлиб маррага етдилар. Давлатга жами 8.260 тонна пахта топширилди. Йиллик режа 108 фоизга ўринлатилди. Иқтисодий ислоҳот изчил амалга оширилаётганлигини қуйидаги рақамлардан ҳам кўрса бўлади. 1 центнер пахтанинг таннархи белгиланганидан кам 1250 сўмни ташкил этди. Хўжалик асосий тармоқдан 125 миллион сўм даромад қилди. **Соф фойда 33 миллион сўм. Ана шу соф фойданинг 33 фоизи, аниқроғи 11 миллион сўми дивидент сифатида тарқатилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича 1 сўмга 0,52 тийиндан дивиденд тўғри келибди. Деҳқонларнинг чўнтаги пулга ёлчиди. Масалан, акционерлик жамияти раисининг ўзи дивидент ҳисобидан 42 минг сўмлик бўлибди. Энди бунёдкорлик ишларини жонлантириш учун имконият яратилганди. 22 миллион сўм маданий-маиший ишларни яхшилаш, ободончиликка сарфланди. Аҳоли газ билан деярли тўла таъминланди.** Сувдан ташвиш йўқ. Шу йили янги қишлоққа ҳам зангори олов етиб борса раҳбарларнинг кўнгли жойига тушади. Айни кунларда бу ерда иккита ғишт заводи, тикиш-бичиш цехи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишлаб турибди. Тегирмонлар гурилламоқда.

Инсоннинг ишидан кўнгли тўлса, тирикчилиги яхши ўтса завқу-шавқ билан меҳнат қилади. Боз устига хўжалик раҳбарияти ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида инсон омилига эътиборни кучайтирди. Ижтимоий ҳимояга олинган 126 кишига алоҳида меҳрибонлик кўрсатиляпти. Тўю маърака ўтказаётганларга махсус ҳисобдан пул, неъмат ажратилмоқда. Уй-жой қураётганлар ҳам мадад олиб туришибди. Буларнинг ҳаммаси чўлқуварлар ўртасидаги меҳр-оқибатни янада кучайтирди, ижро-интизомини мустаҳкамлади.

Дала шийпонлари деҳқоннинг чинакам оромгоҳига айлантирилган. Жазирама кунларда кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун шароит муҳайё этилган. Талабга қараб иссиқ овқат, чой тайёрланади. Маданий тадбирлар деҳқон руҳини кўтармоқда. Айни кунларда далаларни айлансангиз ҳосил нишоналарини тобора кўпайтираётган, барқ уриб ўсаётган ғўзаларни кўриб қувнайсиз. Эркин ривожи бултургидан камида 20 кун олдинда. Не бахтки, ғўза худди мана шу хўжаликда биринчи бўлиб гул кўрсатди. Умрини пахтачиликка бағишлаган Хуррам ака хушхабарни эшитиб ўғли — Бегали Жовлиев даласига келган экан. Таъкидлашича бу йил ҳосилдорлик гектарига камида 50 центнер бўлади!

— Андижон технологиясини Сурхондарё шароитида муваффақиятли қўллаш мумкин, — дейди акционерлик жамияти раиси Шоди Беккелдиев. — Буни деҳқонларимиз фаолияти исботлади. Дастлаб қийинроқ бўлса-да, катта ҳажмда маблағ, сув, ўғит тежаларкан. Плёнка усулида чигит экиш заршуносни бегона ўт балосидан халос этаркан. Кўпгина жамоаларимиз оқ олтин ҳосилини сентябрь ойининг ўзида саранжомлаб олишади.

Чўлда тобланган, метин иродали пахтакор Райим Бобоқуловнинг ҳам кайфияти аъло.

— Ғўзаларга бир қаранг, — дейди даладан кўз узмай. — Бундай гўзал манзарани очиғи биринчи марта кўришим. Бригадамиз андижонликлардан бағоят миннатдор. Ҳосилдорликни шу йилиёқ гектарига 12 центнерга оширамиз. Умуман 250 гектар майдонда истиқболли усул асосида парваришланаётган ғўзалар алоҳида диққат марказида. Илғор тажриба самаралари деҳқонлар ўртасида кенг тарғиб қилиб борилмоқда.

Райимжон акадан пайчиликнинг афзалликлари хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик. У яйраб кетди.

— Пайчилик бозор шароитида муваффақиятли фаолият юритишнинг мос усулларидан бири экан, — таъкидлайди дала дарғаси. — У аввало кадрлар қўнимсизлигига чек қўйди, ишга муносабатни тубдан ўзгартирди, моддий манфаатдорликни таъминлади...

Хўжалик ғаллакорлари қизғин дамларни бошдан кечиришаяпти. Уримйиғим суръатига суръат қўшилмоқда. 12 та комбайн тўла унум билан ишлатилмоқда. Битта қудратли Кейснинг ўзи хирмонга барака киритаяпти. Кунига қабул пунктларига 220-260 тоннагача дон жўнатилмоқда. Ҳосилдорлик ҳозирча ўртача 45 центнерни ташкил этмоқда. Ниятлари 1.710 гектар ердаги эл бойлигини узоғи билан 25 иш кунида саранжомлаб олиш. Агар иш шу тобда кетса умумий етиштирилаётган ғалла хирмони 7 минг тоннадан кам бўлмайди. Давлатга 3.600 тонна ғалла сотилади. Мутасаддилар Ибройим Ҳасанов, Қулдош Муҳаммадиев, Ускан Турақулов каби комбайнчилардан ғоят миннатдорлар. Улар кунлик меъёрни 1,5 ҳисса адо этишмоқда. Ҳар бирлари мавсумда 600—700 тонна ғаллани ўриб-янчиб беришга азму қарор қилишди!

Журналистлигимизни сезган техника ихлосманди, ёш бригада бошлиғи Аҳмад Қурбонов бизга рўбару бўлиб дил сўзларини изҳор этди:

— Илтимосимиз, пайчиликнинг иқтисодий афзалликларини севимли газетамиз «Қишлоқ ҳаёти» орқали кенг ёритсангиз, — дейди у самимий оҳангда. — Ўтган йили бир комбайнчи бир ойда ўрта ҳисобда 75 минг сўмга эга бўлди. Бизники ҳам кам эмас. Жорий йил натижалари янада баракали бўлишига ишонаман.

Яна бир нарса кишини тўлқинлантиради: Шоди Абдуллаев, Ўроз Эшонқулов, Асл Гулов каби уста деҳқонлар садоқатларини амалда намойиш этиб, ғалла ҳосилдорлигини гектаридан 60-65 центнерга етказишга сўз берганликларини маълум қилдилар.

Ғалладан бўшаган майдонлар кетма-кет шудгорланиб, муайян қисмига чигит, қолганига эса озуқа экинлари экилмоқда. Муҳим ишда Жовли Алиев, Рўзибой Қурбонов каби отахонларнинг қимматли маслаҳатлари асқотяпти.

Хўжаликнинг яна бир ютуғи — чорвачилик ҳам ривожланиб бормоқда. Мавжуд 600 қорамол меҳр билан парваришланяпти. Омилкор ишбошилар ички имкониятларни ишга солиб, ширали озуқа ҳамиша етарли бўлишига эришишмоқда. Сўнгги йилларда моллар зотини яхшилаш, озуқа заҳирасини мустаҳкамлаш, маҳсулдорликни ошириш борасида илдам қадамлар қўйилди. Ҳар сигирдан кунига 10 килограмм атрофида сут соғиб олинмоқда. Ҳар говмишдан соғилаётган сут эса йилига ўрта ҳисобда 3.000 килограмм атрофида.

Бу йил ёғингарчилик сероб бўлди. Бундан фойдаланган омилкорлар яйловлар, ариқ-зовурларнинг четларидан дағал хашак жамғаришни қизғин олиб боришмоқда. Муҳим ишга ўрта мактабни битирган ёшлар кенг жалб этилди.

Шу йилнинг май ойида муҳтарам Президентимиз Сурхондарёга ташриф буюрдилар. Далада, ғаллазорда деҳқон билан ўтказилган жонли мулоқот чоғида Андижон технологиясини кенг жорий этиш, барча тармоқни бирдек ривожлантириш, иқтисодиётни юксалтириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берилди. Хўжаликда улар асосида махсус тадбир ишлаб чиқилди. Буларнинг ҳаммаси ҳосил тугунчаларини кун сайин кўпайтириб, барқ уриб ўсаётган ғўзаларда, ғалла ўрим-йиғим мавсуми муваффақиятли кечаётганлигида, кенг оммалашаётган ташаббусларда ўз ифодасини топмоқда.

**Мирғиёс ҚАЮМОВ.**



● **СУРАТДА: ўзининг бутун умрини деҳқончиликка бахшида этиб келаётган Рўзибой Қурбонов ва унинг ўғли — бригада етакчиси Аҳмад Қурбонов. Бу жамоа 26 гектар майдонда мўл дон ҳосили етиштириб, уни уюшқоқлик билан саранжомлаб олаяпти.**



**СУРАТДА:** комбайнлар ғаллазорда.

**И. ХЎЖАЕВ олган суратлар (ЎзА).**

# БЕШОВЛОН БИРЛАШИБ

## ОҚТОШДА ГУГУРТ КОРХОНАСИНИ ҚУРИШДИ

«Ишчилар ошхонаси тушликка чиққан кишилар билан гавжум. Хилма-хил таомлардан, кўкату сабзавотлардан териб қўйилган намуналар иштаҳангизни қўзғайди. Хўрандалар кўнгли тусаган таомни буюртма қилишмоқда. Олдимизда турган қувноқ ёшларнинг суҳбати қулоғимизга чалинди:

— Людмила, таомлардан қайси бирини танласам экан, дейди кулиб қорачадан келган йигит. — Борщ, мастава, чучвара, мошхўрда, шубҳасиз бир-биридан тотли.

— Қай биридан олсанг ҳам мазза қиласан, — дейди қиз. — Надежда билан бугун сутли таомлар тановвул қиламиз.

— Мукаррам, мен овқатлар шоҳи палов билан ўзимни сийламоқчиман. Сенга ҳам ош тановвул қилишни маслаҳат берган бўлардим, — дея суҳбатга аралашди Виктор. Ошхонадан чиқаётган кишилар чеҳрасида мамнунлик ва қониқиш аломати балқиб турарди...

Биз Оқтош гугурт фабрикаси ошхонасидаги кундалик ҳаёт манзарасидан бир лаҳза тасвирини келтирдик. Корхонада хушкайфиятлилик муҳитини вужудга келтирган омиллардан бири ошхона пазандаларининг хизмати, улар тайёрлаган овқатларнинг тўйимли, нархининг арзонлигида десак муболаға эмас. Баъзи корхоналардан фарқли ўлароқ тушлик пайти бу ерда бирон кимсани уйдан овқат келтириб тановвул қилганини учратмадик. Тайёрланган таомлар хилма-хил ва сифатлилиги учун ҳамма ишчи-хизматчилар ошхонага кириб овқатланишади. Вақтида дам олиб, сифатли овқатланган киши доимо дуркун-соғломдир, чарчоқ нима билмайди. Буни яхши англаган фабрика маъмурияти меҳнат аҳлига қулай маиший шароит яратган, уларни пухта ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини кўрмоқда. Ишчилар ғамхўрликка яраша ғайрат кўрсатишмоқда. Янги ихтисосни тез ўзлаштириб, кўплаб маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишмоқда. Буни 1996 йилда ишга тушган корхонанинг қисқа фурсатлик фаолияти кўрсатиб турибди. Улар ҳозиргача 10 миллион қути гугурт ишлаб чиқаришди.

Бу замонавий гугурт ишлаб чиқариш фабрикаси мустақиллик маҳсулидир. Республика ҳукуматининг фуқароларга эркин фаолият кўрсатишга йўл очиб бергани Шамсиддин ҳожи Муҳитдиновнинг оромини ўғирлади. У узоқ хаёл суриб «Эзгуликнинг кечи йўқ, имкондан фойдаланмаслик қусур» деган тўхтамга келди. Бўлажак тадбиркор бундай ўйлаб қараса Оқтош шаҳрида кўзга илинадиганбиронта кўркам корхона қурилмаган. У ана шу кемтикликни бартараф этишни мақсад қилди. Шамсиддин ҳожи Муҳитдинов ўзича фаолият кўрсатиб келаётган укалари Сайфиддин, Садриддин, Зайниддин, Фазлиддинларни чорлаб кенгаш ўтказди.

— Мулкдор бўламиз, — деб сўз бошлади ака укаларига ниғоҳ ташлаб. — Йирик корхона барпо этиб, эл-юртга, ҳам ўзимизга наф келтирамиз.

Бешовлон обдон ўйлаб, ниҳоят гугурт ишлаб чиқарадиган фабрика қуриб ишга туширишга аҳд қилишди. Энди ҳамма умид «Бизнес фонд»га қолганди. Беш оғайни тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиққан ният ва режалар лойиҳасини «Бизнес фонд»нинг вилоят бошқармаси мутахассисларига ҳавола қилишди. Улар ҳужжатларни ўрганиб, уни мукаммал, асосли деб топди. Тадбиркорларга ёрдам сифатида 17 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратишди. Элсевар, юртпарвар оға-инилар кўтаринки руҳда иш бошладилар. Районнинг раҳбарлари, шаҳарнинг нуфузли кишилари ҳам бешовлонни қўллаб-қувватладилар. Чунончи, Тўрақўрғондаги 143-механизациялашган кўчма колонна жамоаси бўлажак фабриканинг ишлаб чиқариш биноларини вақтида тиклаб берди. Беш оғайнилар хориждан «Фейт», «Аренко» маркали замонавий дастгоҳлар сотиб олиб келтиришди. Лекин уларни ўрнатиш чоғи муаммо келиб чиқди. Мутахассислар хизмат ҳақига АҚШ доллари талаб қилишди. Бундай нозик пайтда Россия — Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик асқотди. Киров вилоятининг Слободский шаҳридаги «Белька» гугурт ишлаб чиқариш фабрикасининг маъмурияти наманганлик меҳмонларни яқин кишиларидек илиқ кутиб олди, муаммоларини тинглади.

Корхона директори Юрий Ильин Пономорев «Халқларимиз ўртасидаги дўстлик бебаҳо, унинг юз-хотири ҳар қандай илтимос ва хизматдан юқори туради. Биздан қандай ёрдам зарур бўлса кўрсатамиз, деди. Малакали мутахассислар ва ишчилардан махсус гуруҳ тузиб, наманганлик тадбиркорларга қўшиб Оқтошга юборди. Уларнинг зиммасига асбоб-ускуналарни ўрнатиш, гугурт ишлаб чиқариш ихтисосини ўзлаштиришда ўзбекистонлик дўстларимизга зарур ёрдам кўрсатишни топширди. Гугурт ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган зарур ёғоч, сурма, елим, махсус бўёқ, туз каби материалларни ҳам «Белька» жамоаси етказиб бериш мажбуриятини олди. Картон қоғозларини эса Чудков шаҳридан келтириш йўлга қўйилди.

Бугун фабриканинг биринчи навбати ишга туширилган. «Шамс+ЛТД» ишлаб чиқариш фирмаси номи билан юритилаётган корхонанинг баҳаво ёруғ цехларидаги дастгоҳлар бирин-кетин гуруллаб ишга туширилмоқда. Ҳозирча бу ерда 57 нафар ишчи қўним топган. Россиядан келган мутахассислар Людмила Лобовникова, Нина Полякова, Надежда Антоновалар бу ишчилар билан ёнма-ён ишлаб, уларга ҳунар ўргатишмоқда. Анатолий Пономарёв, Виктор Ситников, Николай Салтиков, Алексей Дунашевлар дастгоҳларни ўрнатиб ишга туширишди. Уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида маҳаллий ишчилардан созловчилар тайёрлаб етиштиришмоқда.

Корхона чиқара бошлаган тайёр маҳсулот харидорларни топган. Оқтош тамғаси босилган гугуртлар Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг вилоятларига жўнатилмоқда. Гугурт қутилари безакли, рақобатбардошлиги сабабли тез сотилмоқда. Корхона жорий ҳисобида маҳсулот пули узлуксиз келиб тушмоқда. Ишчилар вақтида маош олаяптилар. Меҳнат жамоасининг маданий маиший шароитини яхшилашга имкониятлар яратиб берилмоқда. «Шамс-ЛТД» фирмасининг етакчиси Зайниддин Шамсиддинов янги режалар оғушида. Келгусида ишчилар учун турар-жойлар қуриш, Оқтош шаҳри ободончилигига маблағлар ажратиш ҳақида хаёлан режалар тузган.

— Корхонамиз келажаги порлоқ, — дейди у биз билан суҳбатда. — Цехларимиз ишлаб чиқариш қувватини йил сайин ошириб борамиз. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 130 миллион қути гугурт тайёрлашга эришамиз. Бир неча юзлаб қиз-жувонларга, йигитларга ишчи ўринлари яратилади. Энг муҳими биров билган, биров билмаган Оқтош шаҳри эл оғзига тушди, гўзал қиёфа касб этади...

Раҳбарнинг айтганича бор. Оқтошда ишлаб чиқарилаётган гугуртлар вилоятда ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловида тадбиркорлар ишлаб чиқараётган бежирим маҳсулотлар орасида биринчи ўринни олди. Бу Оқтош шаҳри эл назарига туша бошлаганидан далолатдир.

**Б. ҚАҲҲОРОВ,**
**Э. ҲАМДАМОВ.**

# БАРАКАЛИ ХИРМОН

**Далаларда мавжланиб турган олтин бошоқлар ғаллакорларни хушнуд этиб, кўрганни ўз бағрига чорлайди. Ҳозир ғаллазорларда ўрим-йиғим мавсуми тобора жадаллашиб, хирмонлар донга тўлиб бораяпти. Ана шундай меҳнат сурури Чортоқ туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги буғдойзорларида ҳам ҳукмрон.**

**Уруғчиликка ихтисослашган жамоа 600 гектар ерда деҳқончилик қилиб, уч минг 206 тонна сара-дон етиштиришни режалаштирган. Асосий майдонларга «Спартанка», «Юна» ва «Скифянка» каби серҳосил навлар экилиб, мўл ҳосил тўпланди.**

**Ҳозир мавжуд 24 та бригаданинг ҳаммасида ўрим-йиғим авжида. Рустамжон Давлатов, Абдулҳаким Избосаров, Олимжон Аъзамов, Олимбой Йўлдошевлар етакчилигидаги жамоалар мавсумда карвонбошидирлар. Ғаллазорларда еттита комбайн жавлон уриб ишлаяпти. Кунига 40—45 гектар майдондаги дон ўриб-йиғиб олинмоқда. Бу борада Жамолиддин Ҳасанов, Зокиржон Парпибоев сингари комбайнчилар юқори унумдорликка эришмоқдалар. Мавсумда иштирок этаётганларга барча шарт-шароит яратилган. Дала шийпонларида иссиқ овқат, чой ташкил этилган.**

**Ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб, маккажўхори, шоли, картошка, помидор ва бошқа экинлар экилмоқда.**

**— Ғаллакорларимиз мавжуд техникадан унумли фойдаланиб, мавсумни қисқа муддатда якунлашга ҳаракат қилишаяпти, — дейди хўжалик мутахассиси Сайфиддин Мамадалиев. — Мақсадимиз ризқ-насибамиз бўлган дончиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдир.**

Эркин ТУЛАГАНОВ.

# КОМБАЙНЧИГА МУКОФОТ

Хўжалик раҳбари Муқим Номозовни хурсанд ҳолда учратдик. У киши туман ғалла топшириш пунктига келган экан. Урим—йиғим мавсумининг қандай бораётганлиги билан қизиққанимни кўриб, бизни далага бошлади.

— Кеч бўлсаям юринг бир айланиб келамиз, — деб таклиф қилди хўжалик раҳбари. — Ҳали далада иш суръати сусайгани йўқ.

Кеч соат 8 лардан ошган эди. Раиснинг машинасида йўлга тушдик. Одамнинг белидан ошадиган, чайқалиб турган ғаллазорни кўриб, кишининг кайфияти кўтарилади. Ахир, бу деярли йил давомида қилинган меҳнатнинг самараси. Кўпгина пайкалларда комбайнлар ғалла ўрмоқда. Тележкаларга ортилган дон эса пешма-пеш хирмонга ташилмоқда.

Муқим ака бизни Рустам Холмуродов бошлиқ бригада даласига бошлади. Бригадир бу пайкалда ҳозиргина ўрим тамом бўлганлиги ва комбайнларнинг бошқа бригада далаларига ўтганлигини айтди.

—Натижа қандай бўлди?, —деб сўради хўжалик раҳбари бригадирдан.

—Кўнгилдагидек бўлди — деб жавоб берди бригада бошлиғи. — Қарийб 70 центнерданга тўғри келди. Ҳаммаси бўлиб 103 тонна дон топширдик.

Муқим ака чўнтагидан ҳисоблагичини чиқариб, ҳосилдорлик қанчадан тушганлигини чамалади.

—Мана, топширилган ғалланинг миқдорини мавжуд 15 гектар майдонга бўлдим. Ҳосилдорлик деярли 69 центнерни ташкил қилибди. Ахир бу ҳам жуда юқори кўрсаткич, — деди хўжалик раҳбари, кейин менга қараб сўзини давом эттирди. — Кўрдингизми, одамларимиз озгина бўлса-да, бир-биридан қолишни исташмайди. Баъзи бригадаларда ҳосилдорлик 70 центнерни ташкил қилмоқда.

Биз шу куни яна бир бригадада бўлдик. Бу ерда ҳам ўрим қизғин давом этмоқда. Пайкаллардаги комбайнлар гўё денгизда сузиб юрган кемага ўхшайди. Йиғиштириб олинган дон бу ерда ҳам пешма-пеш қабул пунктига олиб борилаяпти. Бригада бошлиғи Суюн Ҳамроев билан суҳбатлашдик. У киши ҳам ҳосилдорлик 60 центнердан ошаётганлигини хурсанд бўлиб гапирди.

Ҳа, Касби туманидаги Темир Малик номли жамоа хўжалигида шу кунларда ўрим-йиғим қизғин паллага кирган. Ғаллакорлар 750 гектар майдонда юқори ҳосил тўплашга муваффақ бўлишди. Пайкалларда 6 та комбайн унум билан ишлатилмоқда. Ҳар куни 30 гектардан зиёд майдондаги ғалла ўриб-йиғиб олинаяпти.

Хўжалик аъзолари ҳар гектар ердан 31,5 центнердан дон олишни режалаштиришган. Ҳаммаси бўлиб 2365 тонна дон ишлаб чиқарилиши ва унинг 1345 тоннасини давлатга сотиш мўлжалланган. Амалда ўртача ҳосилдорлик 60 центнердан ошмоқда. Белгиланган режанинг ортиғи билан уддаланишига ҳеч шубҳа йўқ.

—»Интенсив» нави биз учун маъқул бўлди, — дейди хўжалик раҳбари. — Энг кўп ғалла шу нав экилган пайкаллардан олинаяпти. Келгуси йил уни янада кўпроқ экишни режалаштириб қўйдик.

Хўжаликда иш унуми кундан кунга ортиб бораяпти. Комбайнчиларга яхши шарт-шароит яратилганлиги, уларни моддий рағбатлантириш йўлга қўйилганлиги бунга омил бўлаяпти. Комбайнчиларнинг моддий манфаатдорлигига асосий эътиборни қаратиш ўрим мавсуми бошланишидан олдин раҳбарларнинг диққат-марказида бўлди. Бу борада дастур ишлаб чиқилди. Шу боис ўрим олдидан барча механизаторларга 50 килограммдан ғалла, 10 килограммдан пахта ёғи тарқатилди. Улар махсус иш кийимлари билан таъминланди. Комбайнчилар ҳозир далада ётиб ишлаётганлигини боис, деярли ҳар куни уларнинг оиласидан хабар олиб турилибди.

Мавсумнинг барча иштирокчиларига икки маҳалдан бепул иссиқ овқат берилаяпти. Далада тиббий хизмат шоҳобчаси фаолият кўрсатмоқда. Комбайнчиларнинг яхши ишлаши, мароқли дам олиши учун даланинг ўзида барча шарт-шароит яратилган.

Мавсум иштирокчиларига ҳар беш кунда иш ҳақи бериш йўлга қўйилган. Шу билан бирга ҳар беш кунда илғорлар рағбатлантирилмоқда. Биринчи беш кунликнинг якуни бўйича комбайнчи Баҳром Бозоров магнитафон, ғаллани омборга ташувчи тракторчи Тўлқин Ғаффоров ва сомон ташувчи тракторчи Эшонқул Қурбоновлар соат билан мукофотланишди.

Тумандаги бошқа хўжаликларда ҳам ўрим-йиғим қизғин давом этаяпти. Мавжуд комбайнларнинг ҳаммаси далага олиб чиқилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Кунига 300 гектар майдондаги дон ўриб-йиғиб олинаяпти. Касбиликлар мавжуд 11,5 минг гектар ердан 35 центнердан ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Уриб-янчиб олинган дон эса пешма-пеш омборларга ташилмоқда. Мавсумда Ш.Рашидов номли, Ҳамза Хўжақулов номли, Улуғбек номли, «Пахтакор» хўжаликлари пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Ҳосил чўғи жорий йилги режанинг албатта уддаланишидан дарак бериб турибди. Хуллас, туманда ўрим мавсуми уюшқоқлик билан олиб борилаётганлиги туфайли ҳар куни давлатга дон топшириш миқдори ортиб бораяпти.

**Ҳ.КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# УЙИДА ЖОЙНАМОЗ САҚЛАГАН ФРАНЦУЗ

Франция ва Ойим қишлоқ! Ойим қишлоқлик Муҳитдиннинг Фарангистонда жаноб Аллен Дидие, жаноб Жан, мадам Тэньго ва унинг ўғли жаноб Жанри каби қадрдонлари — бир дастурхондан туз-намак бўлган биродарлари бор.

—Шуни айтадилар-да, дўстлик масофа билмайди, кўнгил-кўнгилдан сув ичади, деб.

## ЮРАК ДЎСТГА ТАЛПИНАДИ

Почтальон Муҳитдинни узоқдан кўриши билан қўлларини юқорига кўтариб «Франциядан салом!.. Сизга жўнатма бор». деди. Йигитнинг юраги бир лаҳза севинчдан ҳапқириб кетди. Жўнатмани қабул қилиб олиб адресга назар солди.

Олис Францияда яшаётган биродарларининг совғаси қувончига қувонч қўшди. «Атье-интернационал» нашриёти Ойимқишлоқ лицей-интернатига нархи 1,5 минг доллар турадиган ўқув дастурларининг янги тизимини юборганди. Нашриёт бошлиғи жаноб Никол Лисандри ҳатто Муҳитдинга мактуб ҳам йўллаганди.

— Энди талабаларимиз француз тилидаги қўлланмаларни асл нусхасида ўқийдилар, — хаёлидан ўтказди Муҳиддин.

Жўнатма баҳона бўлди-ю, унинг Францияга сафари, Руаян шаҳридаги қадрдонлар хотирасида қайта юз кўрсатди. Ушанда унга омад кулиб боққанди. ЮНЕСКО ҳузуридаги таълимни ривожлантириш ва режалаштириш Халқаро институтини Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда халқ таълимининг йўлга қўйилиши кўпдан буён қизиқтириб келарди. 1993 йилнинг май ойида Тошкентда мазкур институт ҳамда Франция элчихонаси ҳамкорликда фаранг тили муаллимларининг семинар-танлови ўтказилди. Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси тавсияси билан Жалолқудуқ туман Ойим қишлоғидаги Моҳларойим номли мактаб-интернатининг француз тили муаллими Муҳитдин Шахобиддинов ҳам ушбу танловда иштирок этди.

Танлов ҳайъати ғоят нуфузли бўлиб, унда жаҳоннинг кўзга кўринган тилшунос олимлари, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакиллари қатнашаётганди. Муҳитдиннинг уч тилда — француз, испан, араб тилида равон гапириши, чуқур билими, таълим усулларида яратган янгиликлари ҳайъат аъзолари диққатини тортади. Саралашда ғолиб чиққан «ўнлик» қаторига у ҳам киритилди ва Франциядаги жаҳонга машҳур Карел тил ўрганиш марказига малака оширишга таклиф этилди.

Қишлоқ муаллими Муҳитдин айниқса ҳайъат аъзоси, Франция элчихонаси маданият ва маориф ишлари бўйича маслаҳатчиси Жорж Лефаврнинг меҳри тушиб қолди. Ўзаро мулоқотда Муҳитдин нафақат ўз фани, балки Франция тарихи, таълим тизими, урф-одатларини ҳам яхши билишини намоён эта олган эди-да.

Ниҳоят,ўзбекистонлик танлов ғолиблари Атлантика соҳилида жойлашган, гўзал Руаян шаҳрига етиб келдилар. Карел тил ўрганиш маркази ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, илмгоҳ Пуатье университети қарамоғида эди.

Муҳитдин сафарда ёлғиз эмас, танловда ютиб чиққан ҳамкасблари — булоқбошилик Одилжон Хўжахонов, андижонлик Замирахон Қодирова, тошкентлик Мунирахон Саидовалар унга ҳамроҳ эдилар. Сафардан мақсад фақат малака оширишгина эмас, Франция урф-одатлари, анъаналари билан яқиндан танишиш, муҳими фаранг фуқаролари билан дўстлик риштaларини мустаҳкамлаш эди.

Келишилгандек, Муҳитдин илгари спорт инструктори, эндиликда меҳнат фахрийси бўлган мадам Тэньго хонадонига бириктилди. Тил билган дил билади, дейдилар.

Бонжур, яъни ўзбекчасига хайрли кун каломи билан мадам Тэньго хонадонига қадам ранжида қиларкан, хоним ўзбекистонлик меҳмонни очиқ чеҳра билан кутиб олиб уйининг тўридан жой кўрсатди. Оққўнгил, оламшаванда Муҳитдин тез орада фаранги аёлнинг ўғли Жанри қаторида бўлиб қолди. Хоним ҳам Муҳитдинга онадек меҳрибон. Кечки овқатдан сўнг хонадонда тез-тез ўзбек ва француз қўшиқлари янграб қоларди. Жанна Д' Арк ҳақидаги ҳикоя Тумарис афсонасига уланиб кетар, Эйфель минораси Тошкент телемаркази қуббасига таққосланарди. Муҳитдин Жанри икковлашиб мадам Тэньгонинг боғ-ҳовлисига қарашар, ошхонада куймаланиб юрган хонимга ёрдамлашарди. Шу тариқа тўрт ҳафта қандай ўтганлигини меҳмон ҳам, мезбонлар ҳам пайқашмади. Олис ўзбекистонлик йигитни Тэньго хоним кўзда соғинч ёшлари билан кузатиб қолди.

### Ўзбекистон ва жаҳон

## ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Руаяндаги Карел тил ўрганиш марказий олийгоҳи. Ўзбекистонлик талабалар хорижий тилларни ўргатишнинг жаҳон андозаларга мос жараёнлари билан худди шу ерда танишадилар. Фан кабинетлари техниканинг сўнгги ютуқлари билан жиҳозланган, олийгоҳда барча юмушлар компьютерлаштирилган. Тўғрироғи, марказ тавсияси билан мактабларда дарслар аудиовизуал, бошқачасига айтганда, эшитиб — кўриб, — тушуниб — билиш усули асосида ўқитилади. Дарс биздагидек, лекция усулида эмас, балки коммуникатив йўл билан ўқитувчи ва талабанинг фаол мулоқоти асосида олиб борилади. Малака ошириш пайтида Муҳитдин марказ мутахассиси жаноб Аллен Дидие билан танишиб, ундан билимларни чуқурлаштиришда техника воситаларидан фойдаланишни ўрганди.

Франция халқ таълимидаги ўзига хос яна бир янгилик, бу дарс жадвалларини муаллимларнинг ўзлари тузишдир. Маълум бўлишича, марказ тавсияси билан таълимда гуманитар фанларни ўқитиш устивор ҳисобланар экан. Албатта, бизнес, аниқ фанлар, маркетинг ўқитилади, бироқ умуминсоний маънавий тушунчалар — ватанпарварлик, миллатлар ҳамкорлиги, фуқароларнинг эркинлиги ва ҳуқуқий даҳлсизлиги, ҳалоллик, виждоний бурч биринчи ўринда тураркан. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, талаба мактабда пул топиш, бойлик орттиришни эмас, чин маънавият эгаси, ҳақиқий комил инсон бўлиб етишишни мақсад қилиб олади. Диққатга сазовор яна бир янгилик мактабларда дарс биздагидек, 45 дақиқа давом этмайди, ўқувчиларнинг толиққани сезилдими, дарҳол танаффус берилади. Муаллимлар шундай ҳуқуққа эга.

Марказ ректори жаноб Жан халқ таълимидаги кўпгина янгиликларнинг ижодкорларидан ҳисобланиб, бу устоз тарбиячи маорифдаги ўзгаришлар ҳақида ўзбекистонликларга сўзлаб берди. Айниқса, жаноб Жан хонадонида ўтган оқшом меҳмонларда унутилмас хотира қолдирди. Уй соҳиби ўз қўли билан палов тайёрлаб (олдин Самарқандда бўлган) зиёфат дастурхонига тортади. Кейин роялда французча қўшиқ куйлаб беради. Сўнгра Муҳитдин ҳам торда ўзбек куйларидан бирини ижро этади. Шу пайт қизиқ воқеа рўй беради. Жаноб Жан бир дақиқага рухсат сўраб ичкари кириб кетди ва кўп ўтмай қўлида кўркам жойнамоз билан чиқди.

— Бу менга самарқандликларнинг совғаси, — деди ректор, — доим уйимнинг тўрида, ота-онамдан қолган ёдгорликлар ёнида сақлайман. Менга самарқандликлар бу ибодат пайтида ишлатиладиган жойнамоз деб тушунтирганлар. Қани намозхонлар бўлса, марҳамат!

Шундай дея уй эгаси меҳмонларга синовчан назар ташлади.

Муҳитдин рухсат сўраб жаноб Жанри қўлидан жойнамозни олади, шу пайт айни пешин намози вақти эди, намозни бошлади. Француз олими Ўзбекистонда виждон эркинлиги қарор топганлигини ўз кўзи билан кўриб турарди. Шу-шу мезбон Муҳитдинга ўзини яқин тута бошлади...

Ойимқишлоқ лицей-интернати билан Франция элчихонаси ўртасида маориф соҳасида маданий алоқалар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бунда жаноб Жорж Лефаврнинг хизмати катта. Руаянда бўлган бошқа ўқитувчилар қатори Муҳитдин учун ҳам элчихона эшиклари доим очиқ. Муҳитдин ҳар гал Лефавр билан учрашувдан олам-олам таассурот олади. Жонли мулоқотларда лицей-интернатда француз тилининг ўқитилиши сифати, синф хоналарининг техника воситалари билан жиҳозланиши, шунингдек талабаларнинг француз халқи ҳаёти ва маданияти билан қизиқиши, француз халқ таълимидаги янгиликлар тилга олинади. Бевосита Лефавр жанобларининг ёрдами билан лицей-интернатга Франциядан тил ўрганиш бўйича видеокассеталар, француз тилида чоп этилаётган 10 хилдан ортиқ журнал ва бошқа кўргазмали ўқув дастурлари олинди.

## УСТОЗЛАР ХОНАДОНИ

Одатда ҳосилга қараб соҳибкорга баҳо берилади. Юқорида кўрганингиздек, муаллим камол топдирган боғнинг довруғи хорижга таралган. Муҳитдиннинг ўқув-ўқитиш усули эндиликда бутун республикада тилга олиняпти. Шу йилнинг октябрь ойида лицейдаги у дарс бераётган 9—10 синф базасида француз тили бўйича вилоят муаллимларининг тиллар фестивали ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Яхшидан боғ қолади, дейди донолар. Муҳитдин ҳақида айниқса фарзандлари ундан таълим олган ота-оналар оғзидан бол томиб гапирадилар.

**Ҳасанбой АБДУҒАФУРОВ, меҳнат фахрийси, Ойим қишлоғининг Беруний кўчасида яшайди:**

— Муаллим киройи Муҳитдиндек бўлса! Бутун оиласи билан устозлар хонадонидир. Отаси Бозорбой ака уруш фахрийси, маҳалламиз оқсоқоли. Яхши-ёмон кунларимизда ёнимизда елкадош. Қизим Муҳаббатхон Муҳитдиннинг шарофати билан олам таниялти. Жаҳон тиллар университетида француз тилини ўрганмоқда. Бельгия, Францияга икки ой ўқув-амалий практикада бўлиб қайтди. Энди Грецияга боришга ҳозирланмоқда.

**Машраббой ЁҚУБОВ — вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бош муҳандиси:**

— Фарзандимнинг Муҳитдиннинг қўлида илм-фан ўрганганлигидан бир умр миннатдорман. Қизим Умида Андижон тиллар университетида ҳам аъло баҳоларга ўқияпти. Яқинда Олмонияда бир ой билимини ошириб, немис талабалари билан дўстлашиб қайтди.

Куни кеча Муҳитдинни лицей боғида ҳамкасблари даврасида учратдик. Қўлида ҳозиргина олган шошилинчнома. Билсак, вилоят халқ таълими бошқармасидан хабар қилишибди, Муҳитдинни шу йил сентябрь ойида Тошкентда ўталиган жаҳон тиллари семинар-танловига яна таклиф этишипти.

Ҳа, яна уни француз дўстлари билан учрашув кутмоқда. Зеро, дўст дийдоридан гўзалроқ нима бор дунёда!

**С. РЎЗИМАТОВ.**



# «ДАРХОН» ГУЗАРИ

«Султон ота» гузари. Пештоқига ана шундай сўзлар ёзилган кўпқаватли, замонавий бино Тошкент туманидаги «Дархон-2» маҳалласи марказида қад кўтарди. Ҳашаматли бинонинг очилиш маросимига туммонат одам тўпланди. Ноз-неъматлар билан безатилган дастурхонга ош тортилди. Туман ҳокими Акбарали Йўлчиев маросим лентасини қирқар экан, маҳалла аҳлини барча қулайликларга эга бўлган гузар билан қутлади. Тантанада сўзга чиққан меҳнат фахрийси Дуся Каденко Султон ота билан Ўзбекистон Ўрмончилик илмий тадқиқот институти тажриба участкасида бирга ишлашган пайтларини хотирлаб, деди:

— Султон ака ҳалол, камтарин, меҳнатсевар инсон эди. Биз доимо у киши билан ёнма-ён ишлаётганимиздан фахрланардик. Тўрт қизни тарбиялаб, вояга етказди. Куёви Садриддинжон тадбиркорлик билан шуғулланиб, ота номини абадийлаштириш учун кўп саъй-ҳаракат қилмоқда. Элига қайишиб, хайрли ишларга қўл ураётган инсонлар доимо соғ-саломат бўлишсин.

Гузар бунёд этиб, Султон ота номини тиклаш масаласи аслида оилавий маслаҳат чоғида ҳал этилган эди. Бу ҳақда маҳалла катталарига айтилганда таклиф маъқул тушди. Орадан кўп вақт ўтмай фаоллар йиғилишида ер майдони ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ташаббус туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, ҳоким қурилишга қозиқ қоқиб берди.

Садриддин ака бошланган хайрли ишни ниҳоясига етказиш учун тиним билмади. Бир томондан ўзи бошқараётган «Султон ота» хусусий фирмасини юритиш керак. Тадбиркорлик билан шуғулланиб қилинаётган сарф-харажатларга маблағ топиш зарур. Садриддин ака қийналиб қолган

### Тадбиркор ҳиммати

пайтларида ошна-оғайнилар кўмак беришди. Маҳалла аҳли ҳам қараб турмади. Маънавий рағбатлантириб, бир неча марта ҳашар уюштирди.

— Садриддинжоннинг иродали, ҳаракатчан йигит эканлигига ишонч ҳосил қилдик, — деди маҳалла оқсоқолининг ёрдамчиси Ҳайитвой ака Усмонов. — Қачон қараманг, бирор юмуш билан банд. Муомалали, ишнинг кўзини билади.

Айни пайтда маҳаллага кўрк бағишлаб турган гузар одамлар билан гавжум. Ҳам замонавий, ҳам миллий қурилган бинонинг биринчи қаватида саноат ва озиқ-овқат дўконлари, сартарошхона, пойафзалларни таъмирлаш устахонаси, радиоаппаратларни созлаш хонаси жойлашган. Саноат моллари Тошкентдаги «Дубай-бизнес» фирмаси билан шартнома асосида келтирилаяпти( Товарлар воситачиларсиз, тўғридан-тўғри етказиб берилаётгани сабабли бошқа савдо шаҳобчаларига нисбатан арзон.

—Хонамиз кенг, ёруғ, ишлаш учун қулай, — деди биринчи тоифадаги уста, Минск шаҳрида ўтказилган сартарошларнинг халқаро танлови нишондори Эргаш Ашрапхўжаев. — Фирма ташаббуси билан маҳаллада яшовчи кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларидан 20 кишига бепул хизмат кўрсатяпмиз.

Бинонинг иккинчи қаватидаги тикувчилик цехига малакали уста, иккинчи гуруҳ ногирони Неъмат Саъдуллаев ва унинг умр йўлдоши Лутфиниса опалар раҳбарлик қилишяпти. Чеварлар учун бепул тушлик берилмоқда.

Гузарнинг тантаналар залида мажлислар, таваллуд кунлари, ёш келин-куёвларни ЗАГСдан ўтказиш ва бошқа оилавий маросимлар ташкил этилади.

Вилоят бўйича йил охиригача 450 та ана шундай қулайликларга эга бўлган маиший хизмат нуқталари очилиши кўзланмоқда. Шулардан 300 таси қишлоқ жойларда ташкил этилади. Жами 500 дан ортиқ киши иш ўрни билан таъминланади. Аҳоли асосан сартарошлик, сураткашлик, пойабзалларни таъмирлаш, мураккаб маиший хизмат техникасини созлаш каби хизматлардан баҳраманд бўлади. Бу йил биргина Тошкент туманида 24 та янги маиший хизмат шоҳобчаси ишга туширилади.

**Саъдулла ШОДИЕВ.**

● Суратда гузарнинг олд кўриниши.

# САРАТОН

Кўклам фаслини ташкил этган ҳамал, савр, жавзо ойлари энди ортда қолиб, 21 июндан ҳижрийча илк ёз ойи бўлмиш саратон бошланади. Номи-ла саратон аталмиш айни паллада ҳаво-ер, сув ҳам, кун ҳам янада қизиб боради.

**Шахобларга яқинлашар қуёш қачон,**
**Ҳаво қизир, бўлар иссиқ, чун саратон!**
А.Навоий.

**Ёз бўлмайин, асли, соз бўлмас.**
**Дон-дун мевалар ҳил-ҳил пишмас.**
**Хирмонлар ҳам тоғ-тоғ бўлмас.**
**Қарангки, ёзга шунча тавсиллар хос.**

25 июндан эса қирқ кунлик ёзги чилла бошланиб, 5 августгача давом этади.

Боғлар, полизлар ва сабзавот далаларида юмушлар яна ҳам шитоблашиб кетади. Бу паллада айниқса, сувчи-заргарлар заҳмати алоҳида мавқе касб этади.

### Тақвим

**Офтоб қалови қанча авжланса,**
**Деҳқон қайнови шунча мавжланар.**
**Саратонда тобланган**
**Қаҳратонда қийналмас.**
**Саратон ҳарорати-бод кушандаси,**
**Саратон-оловин пуркар,**
**Қуш учса, қаноти куяр.**
**Саратонда тош ҳам қизир.**

Саратонда бозор расталарию хонадонлар, дастурхонларда ноз-неъматлар тобора тўлишиб боради. Чунончи, чиллаки узум ва бошқа чиллак мевалар ёнига энди бошқалари бирин-кетин қўшила боради.

Баъзилар уйқуда ётган маҳалла, заргар сувчи экинлар, хусусан ғўзаларга оби-ҳаёт тараб юрган бўлади. Зотан, кундузи саратон ҳароратини эмган экинлар, тунда озуқа шарбатини ҳам мириқиб симираркан, унинг кун сайин яшнаб ривожланишини кўринг.

**Саратоннинг шарбат суви ёғдай ёқар**
**ғўзаларга.**
**Жўяк ошар меҳр билан сувчи боқар**
**ғўзазорга!**
**Саратоннинг ҳар бир дами ғанимат,**
**Офтоб меҳнат бирлигида-кўп ҳикмат.**

Чорвага осон пайтнинг ўзи йўқ, аммо энг қийин уч палласи бор: ёзги, кишқи, чиллаю қўзилатиш палласи.

Чунончи, ёзги чиллада қўйнинг бир оёғи қуруқда, уч оёғи сувда, яъни, ўтлашдан ҳам сув ичишни кўп хуш кўради. Бир бор ўтлаб уч бор сув ичади. Демак, чўпон ўз отаридаги юзлаб қўй-қўзилардан ҳар бирининг ана шу тақлид ўтлаб, сув ичишини кузатиб бошқариб боради. Яна бирон қўй ёки қўзи ҳам қизиган тошда ётиб қолмаслиги керак, ётса касалланади. Қўйларнинг айни палладаги емиши қовжираган ўт-ўлан, гиёҳлардан иборат бўлади.

Қолаверса, чўпон чиллада отарни яйлов тепароғига олиб чиқиб, сув, булоқ ёқалаб боқади. Шу маҳалда қўй-қўзилар кундузлари яхши ўтламаётганлиги учун, тунлари ҳам бир неча соатлаб боқилади. Молик ул-калом битганидай:

**Юз сафли бир қалам бирла котиб қилур**
**рақам,**
**Минг қўйни бир асо бирла ҳар ён сурур**
**чупон.**

Чилла-сут булоғи соҳиблари-соғувчилар учун ҳам жиддий синов. Бу синовдан муваффақиятли ўтиш учун сигиру бузоқларни чилладан толиқтирмай, соғлом, семиз олиб чиқиш, мўл-кўл, сифатли сут олишни канда қилмаслик керак бўлади.

**Бир сигир — бир рўзғор кафили,**
**Сигир борда — оқлик бор,**
**Оқлик борда — тўқлик бор,**
**Оқлик ўй — қутлуғ уй.**
**Чилла — ҳаммага синов палла.**

Дала шароитида, хусусан жазирамада чанқоғу чарчоқни босадиган, айни пайтда, туйимли овқат қатиқми, яхна гўжа, шунингдек, қатиқли яхна мошхўрда ҳисобланади, азал-азалдан.

**Гўжа ичгин саратонда, мириқиб гўжа**
**Ҳузурбахшу қувватбахшу чунон**
**бўлакча.**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ.**

# ТАНАФФУС ОЛДИДАН

Футбол бўйича миллий терма командамиз ўз гуруҳидаги саралаш ўйинларида қатнашиши муносабати билан бўладиган икки ҳафтадан ошиқ танаффус олдидан олий табақа жамоалари ўн учинчи тур учрашувларини ўтказишди.

Турнир жадвалида айтарлик ўзгаришлар бўлмади. МҲСК, «Нефтчи», «Дўстлик» навбатдаги ғалабаларни қўлга киритиб, пешқадамлик мавқеларини янада мустаҳкамлаган бўлса, «Навбаҳор» ва «Пахтакор» навбатдаги икки очкони қўлдан беришди.

Пировард натижада айнан ушбу беш жамоа медаллар учун баҳс юритишига шубҳа йўқ. Наманганлик ва тошкентлик футболчиларнинг ўйини унчалик қовушмаётгани инобатта олинса, ғолиблик учун асосий даъвогарлар сафи янада қисқаришини пайқаш қийин эмас. Кейинги поғоналарни эгаллаб турган ўн битта жамоа фақат ўз мавқеини нисбатан яхшилаб олиш учунгина кураш олиб бориши мумкин, холос. Рақибларидан бир-икки ўйин кам ўйин ўтказган ҳолда 6 очко билан сўнгги поғонани банд қилиб турган «Сурхон» ҳам амалда дуруст имкониятларга эга.



Ҳисобот турида «Зарафшон»ни 4:3 ҳисобида доғда қолдирган термизликлар чиндан ҳам охирги ўринда узоқ қолиш ниятида эмасликларини дангал исботлашди. Жадвалнинг ўрта ва қуйи қисмида бораётган командалар нафақат ўзаро баҳсларда, балки пешқадамлар билан учрашувларда ҳам мавқеларини яхшилашга интилишлари аниқ эканлиги МҲСК — «Чилонзор» ўйинида яққол тасдиқланди.

Тенг курашлар остида ўтган бу беллашувда армиячилар қийинчилик билан ғалабага эришдилар. «Навбаҳор»дан МҲСКга ўтган А. Маъруфалиев иккинчи таймнинг бошланишида ҳисобни очган бўлса, кўп ўтмай «Чилонзор» футболчилари мувозанатни тиклашди. Кейинроқ ҳакам белгилаган ўн бир метрлик жарима тўпини аниқ дарвозага йўллаб, Н. Ҳасанов пешқадамнинг ғалабасини таъминлади.

XIII турдан сўнг олий табақада вазият қуйидагича:

| Жамоа | Ўйин | Очко |
|---|---|---|
| 1. МҲСК | 13 | 39 |
| 2.«Нефтчи» | 13 | 34 |
| 3.«Дўстлик» | 13 | 30 |
| 4. «Навбаҳор» | 13 | 27 |
| 5. «Пахтакор» | 13 | 26 |
| 6. «Суғдиёна» | 13 | 19 |
| 7. «Бухоро» | 12 | 16 |
| 8. «Трактор» | 13 | 16 |
| 9. «Косонсой» | 13 | 16 |
| 10. «Насаф» | 13 | 15 |
| 11. «Атласчи» | 13 | 14 |
| 12. «Афросиёб» | 12 | 11 |
| 13. «Чилонзор» | 13 | 11 |
| 14. «Хоразм» | 12 | 10 |
| 15. «Янгиер» | 12 | 10 |
| 16. «Андижон» | 13 | 10 |
| 17. «Зарафшон» | 13 | 9 |
| 18. «Сурхон» | 11 | 6 |

Бугун терма жамоамиз Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида индонезиялик рақибларини қабул қилишади. Шубҳасиз, футболчилар ҳам, мухлислар ҳам ушбу ўйинга асосий эътиборини қаратишган.

Вакилларимизга омад тилаймиз!

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли**

### Турфа олам

## ҚАЛИН УЧУН ХЎРОЗ

*Африкадаги қабилаларнинг бирида қалин эвазига бор-йўғи битта хўроз бўлса бас экан. Ана ундан кейин куёв бўлмиш қизни ҳеч хижолатсиз ўз хасми ҳалоли этиб, уйига олиб кетиши мумкин.*

*Нега энди хўрозга бутун боши қизни алмашар экан, деб ҳайрон бўларсиз. Бунинг унча ажабланарли жойи йўқ. Негаки, бу қабила одамлари куннинг аниқ вақтини айтиб берадиган «дастёр»ни қаттиқ эъзозлашади ва шунинг учун ҳам бу «жонли соат» қалин эвазига ўтади. Боз устига, уларда табиатнинг етти хазина қаторидан жой олган жониворни камёб паррандалар сирасига кирар экан.*

## ЮЗ ЁШЛИ КУЁВ

*Папуа-Гвенияда ёши бир жойга бориб қолган қария — 100 ёшли Гаал Пелуни ўзидан 65 ёш кичик ва яратганнинг хоҳиш иродаси билан ҳали гўшанга кўрмаган 35 ёшли қизга уйланди. Уларнинг бу ғаройиб никоҳи кўпчиликни ҳайратга солди. Аср ёшини яшаб қўйган куёвтўра — Гаал Пелуни ҳамда 35 ёшли келинпошша маҳаллий газета учун берган интервюсида икки «Ёш»нинг ҳаёт фалсафаси бир-бирига ҳамоҳанг экани яна бир бор ўз тасдиғини топди. Яъни: муҳаббат ёш танламайди!*


Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Шри винаек оверсис» фирмасига республика Ташқи иқтисодий алоқалар ва Адлия вазирликларидан берилган рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномалар йўқолган. Уларни топган кишидан рағбатлантириш эвазига қайтариши сўралади.

**Телефон: 35-07-80.**


Республика «Пилла» уюшмаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Холдор Искановга онаси

**РОБИЯ АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


## ДЕЛЬТАФОС — ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ ВОСИТА



**Дельтафос пиретродларга оид децис ва фосфорли хостатион аралашмасидан иборат бирикма бўлиб, у бир йўла сўрувчи (шира, трипс, ўргимчаккана, оққанот) ва кемирувчи (кўсак қурти, олма қурти, колорадо қўнғизи ва бошқалар) зараркунандаларга қарши воситадир.**

**Ҳар гектарга сарф этилиш миқдори—1—1,5 литр аралашма.**

**Дельтафосдан фойдалансангиз узоқ муддат юқори самарага эга бўласиз.**

**Қўшимча маълумотлар Сизни қизиқтирса, Олмониянинг АгрЭВО фирмаси ходимлари хизматингизга тайёр.**





***Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Юлиус Фучик кўчаси, 7-уй. 56-квартира, Тел: 33-35-25; Факс: 30-20-31.***


«Лаззат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгаши акционерларга шуни маълум қиладики, 1997 йил 30 июнь соат 14.00 да, Қорақамиш кўчаси 4-уйда йиғилиш ўтказилади.

Кун тартиби:

1. 1996 йил молиявий хўжалик фаолият натижаларини тасдиқлаш.
2. Жамият ихтиёрида қоладиган фойдани тақсимлаш тартиби.
3. Кузатув кенгашининг янги тартибини тасдиқлаш.
4. Жамият янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.
5. Жамият фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар.


Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят ва хатлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0365, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.